

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАҲЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10648711>

Акбарова Малика Илхомовна

Ўзбекистон Республикаси

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги
Меҳнат бозори тадқиқотлари институти таянч докторанти (PhD)

E-mail: scientific_articles2009akbarova@internet.ru

***Аннотация:** ушбу мақолада аҳоли бандлиги тушунчаси ва иқтисодий фаолият категорияларда таркибий ўзгаришлар ўрганиб чиқилган, ҳудудлар бўйича расмий ва норасмий секторларда банд аҳолининг кўрсаткичлар таҳлил этилган ва ишсизликга олиб келадиган омилларни бартараф этиш борасида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Бу омиллар йиғиндисининг банд аҳоли тузилмаси ва таркибига таъсири инсоннинг меҳнатга қобилияти ва унинг ишлаб чиқариш жараёнидаги фаол иштироки оқибати ҳосили бўлиб, мутахассислиги ва касби билан белгиланади.*

***Калит сўзлари:** расмий бандлик, норасмий бандлик, аҳоли бандлиги, иш билан бандлик, меҳнат, ижтимоий ҳимоя, бозор мувозанати, бандлик турлари, ўзини ўзи банд қилиш, меҳнат ресурслари, даромад манбаи, меҳнат унумдорлиги, иқтисодий фаолият турлари, ишсизлик*

***Аннотация:** В данной статье исследовано понятие занятости населения и структурные изменения в категориях экономической деятельности, проанализированы показатели занятого населения в формальном и неформальном секторах по регионам, а также разработаны соответствующие предложения и рекомендации по устранению негативных факторов, приводящих к безработице. Влияние этих факторов на структуру и состав занятого населения является результатом трудоспособности человека и его активного участия в производственном процессе, что определяется его специальностью и профессией.*

***Ключевые слова:** формальная занятость, неформальная занятость, занятость населения, занятость трудом, социальная защита, рыночное равновесие, виды занятости, самозанятость, трудовые ресурсы, источник дохода, производительность труда, виды экономической деятельности, безработица.*

Abstract: *paper researches the concept of employment and structural changes in categories of economic activity, analyzes the indicators of the employed population in the formal and informal sectors by regions, and develops appropriate proposals and recommendations for eliminating factors leading to unemployment. The influence of these factors on the structure and composition of the employed population is the result of a person’s ability to work and his active participation in the production process, determined by his specialty and profession.*

Key words: *formal employment, informal employment, employment, labor, social protection, market equilibrium, types of employment, self-employment, labor resources, source of income, labor productivity, types of economic activity, unemployment.*

КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Жаҳон иқтисодиётида аҳоли бандлиги иқтисодий тараққиёт ва барқарор ривожланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, иқтисодий ўсиш иш ўринлари сонини кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга бўлган эҳтиёжни қай даражада қондиришини баҳолаш иқтисодий ривожланишни бандлик нуқтаи назаридан таҳлил қилишнинг предмети ҳисобланади.

Инсоннинг ҳаёт сифати ва фаровонлигининг энг муҳим омиллардан бири бу унинг меҳнат бозоридаги мавқеи ва танлаган касбда ўрни ҳисобланади. Ишчилар меҳнат бозорининг расмий сегментидан ўз хоҳишига қарши четлатилганда, меҳнат бозори сегментларга бўлинади, уларнинг ҳаёт сифати чекланади ва уларнинг фаровонлиги камаяди. Агар улар расмий ёки норасмий меҳнат муносабатларини эркин танлашлари мумкин бўлса, яъни меҳнат бозори интеграциялашган бўлса, уларнинг фаровонлиги ҳатто норасмий бандлик мавжуд бўлганда ҳам юқори даражага етиши мумкин [1].

Ўзбекистонда бандлик сиёсатини янада такомиллаштириш учун иқтисодий фаолият турлари бўйича бандликнинг мамлакат иқтисодиётининг макро, мезо ва микро даражадаги ҳолати ва ривожланишини яхлит ифодалайдиган, турли манбалардан олинган кўрсаткичларни мазмунан уйғун гуруҳларда бирлаштирадиган, маълумотлар ишончлилиги ва ўзаро қиёсий нисбатининг

асослилигини оширадиган тизимни шакллантириш, ҳудудларни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларни шу асосда қабул қилиш зарур. Бандликни мамлакат ва ҳудудлар даражасида муваффақиятли бошқариш учун меҳнат бозори кўрсаткичларининг миқдорий қонуниятларини очишга имкон берадиган мезонларни ишлаб чиқиш талаб қилинади. Улардан бандлик масалалари бўйича иқтисодий фаолият турларидан келиб чиқиб, ҳудудлар бўйича асосли қарорлар қабул қилишда фойдаланиш меҳнат бозори фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳоли бандлигини иқтисодий фаолият турлари бўйича барча даражаларда комплекс таҳлил қилиш ва республика ҳудудларида банд аҳоли сонини тақсимлашнинг кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, эконометрик моделларини тузиш долзарб масала ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан ҳам “иш билан бандлик” тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёритишга нисбатан ёндашувлар мавжуд. Масалан, академик Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, “иш билан бандликнинг инсоннинг Конституцияда белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи – меҳнат ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқдир” [2]

Иқтисодчи олим Ш.Р.Холмўминов ўз илмий ишланмаларида аҳолининг оқилона иш билан бандлиги масалаларига алоҳида тўхталиб, аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг мумкин (табиий) даражаси вужудга келади [3], деб таъриф берган.

Иқтисодчи олимларидан Н.Зокирова, Н.Шоюсупова, В.Габзалилова ва Г.Абдурахмоновалар иш билан бандликка макро ва микро даражадаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг турли шакллари ўзида мужассамлаштирадиган ижтимоий умумиқтисодий категория сифатида қуйидагича таъриф берган: “жисмоний шахсларнинг қонунга зид бўлмаган, уларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ, уларга иш ҳақи ва меҳнат даромади келтирадиган фаолияти, шунингдек, бунда меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг миқдор ҳамда сифат жиҳатдан мутаносиблиги даражасини акс эттирувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг пайдо бўлиши” [4]

А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар фикрича “Бандлик меҳнат қобилиятига эга бўлган ва меҳнат қилишга иштиёқи бор кишиларни ишга жойлашиб, фойдали меҳнат билан машғул бўлишларидир” [5].

В.А. Павленков таърифи бўйича, аҳоли бандлиги – бу қонунда белгиланган ёшга етган ва ҳозирги пайтда моддий ёки пул шаклида даромадлар олиб келадиган фаолият билан шуғулланувчи фуқаролардир [6].

Н.Гаузнер иш билан бандликни аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжи, деб тушунади ҳамда бу бирвақтнинг ўзида жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучини ташкил этади [7]

Л.Старовойтова иш билан бандликни фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондирадиган ва мамлакат қонунларини бузмайдиган фаолият, деб таърифлайди, бу аксарият ҳолларда ишчиларга даромад олиб келади [8]

Классик назария мактаб вакили бўлган А.Смит «Халқлар бойлиги табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» асарида иш билан бандлик одамларнинг фаолияти ва интилишлари уларнинг шахсий иқтисодий манфаатлари орқали белгиланишини таъкидлайди [9]

“Аҳолининг иш билан бандлиги, фоииз ва пулнинг умумий назарияси” номли асар муаллифи М.Кейнснинг фикрича, тўлиқ иш билан бандлик – мажбурий ишсизлик нолга тенг бўлган ҳолат. Бунга самарали талабни қўшимча кенгайтиришга жавобан иш билан банд бўлганлар сони ўзгармаганда эришилади. Кейнс ғоясининг асосини ялпи талабни – умумий сотиб олиш лаёқатини фаоллаштириш ва рағбатлантириш, ишлаб чиқариш, товарлар ва хизматлар таклифига таъсир этиш орқали иш билан бандлик даражасини ошириш ташкил этади [10]

Э.Р.Саруханов томонидан бошқача таъриф берилган. Бандлик - ходимлар иштирок этадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир, яъни улар моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришда инсонлар фаолиятини амалга оширадилар [11]

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, синтезлаш, индукция ва дедукция, эмпирик баҳолаш, тизимли таҳлил, статистик кузатиш, гуруҳлаш, динамика қаторлари, иқтисодий индекслар, статистик жадвал ва графиклар, иқтисодий математик моделлаштириш, каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Аҳоли бандлигини иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш асосида тартибга солиш муайян даражадаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

2021 йил ҳисобига кўра иш билан банд аҳоли сони кўрсаткичларига назар соладиган бўлсак, Республикадаги жами бандлар сони 13538,9 минг кишини, ҳудудлар кесимида Фарғона вилоятида энг кўп 1483,3 минг кишини, Сирдарё вилоятида эса аксинча энг кам 334,1 минг кишини ташкил этди [12].

2010 йил билан солиштирганда жами бандлар сонининг 16,4 % га ошганини ёки 1910,5 минг кишига кўпайганлигини гувоҳ бўламиз. Бу борадаги салмоқли кўтарилиш Жиззах вилоятида 44,3 % (169,1 минг киши), Наманган вилоятида 35,5 % (289,5 минг киши) ҳамда Сурхондарё вилоятида 27,7 % (217,5 минг киши) кузатилганини кўришимиз мумкин. Аксинча, 2010 йилга нисбатан ўсиш суръати сезиларли пастлиги Навоий вилоятида 0,6 % (2,5 минг киши), Бухоро вилоятида 1,2 % (9,2 минг киши) ва Сирдарё вилоятида 4,4 % (14,2 минг киши) кузатилган.

2010 йилдан ҳудудлар кесимидаги бандлар сонининг жами бандлар сонига нисбатан улушига эътибор қаратсак, бу борада нисбатан юқори кўрсаткич Фарғона ва Самарқанд вилоятларида давомий бўлганлигини кўриш мумкин. Фарғонада 2010 йилда бандлар улуши 11,5 % ни, Самарқандда 10,6 % ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда Фарғонада 11,0 %, Самарқандда эса 10,6 % бандлар қамраб олинганини кўриш мумкин.

Умумий ҳолатда кузатадиган бўлсак, 2010-2021 йиллар давомида Тошкент, Сирдарё, Навоий, Бухоро вилоятларида бандлар улуши мўътадил камайиб борган.

Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятида 2010-2018 йиллар давомий камайиш, 2019-2021 йилларда эса ўсиш кузатилган бўлса, Хоразм, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич давомий ошган ҳамда Андижон ва Қашқадарё вилоятларида 2013 йилдан ўсиб борган кўрсаткич 2018 йилдан сезиларли даражада пастлаган.

2010-2021 йиллар давомида бандлар улушининг паст кўрсаткичлари Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятларида кузатилган.

2010-2017 йилларда республика ва унинг барча ҳудудларида бандлар сони аввалги даврлар кўрсаткичларига нисбатан ошиб борган, 2018 йилда эса республикадаги бандлар сони 2017 йилга нисбатан 98,2 % ни ташкил этиб, фақатгина Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бандлар улушининг ўтган йилга нисбатан ўсиши кузатилиб, қолган ҳудудларда кўрсаткич салмоғли камайган.

2019-2020 йилларда ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида йилдан йилга камайиб борган бўлса, Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳрида доимий ўсиш кузатилган. 2021 йилга келиб эса Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида бандлар сони 2020 йилга нисбатан камайган, қолган барча ҳудудда сезиларли ортиб жами кўрсаткич 2,3 % га ошган. 2010-2021 йиллар давомида ўсиш суръатининг энг катта қиймати 2018 йилда Қорақалпоғистон Республикасида (109,0 %), энг кичик қиймати 2020 йилда Сирдарё вилоятида (94,9 %) кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Худудлар кесимида бандлар сони¹

(МИНГ КИШИ)

Худудлар номи	2010 йил	2021 йил	2021 йил 2010 йилга нисбатан	
			+/-	%
Ўзбекистон Республикаси	11628,4	13538,9	1910,5	116,4
Қорақалпоғистон Республикаси	580,8	702,7	121,9	121,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1112,0	1264,3	152,3	113,7
Бухоро	768,1	777,3	9,2	101,2
Жиззах	381,6	550,7	169,1	144,3
Қашқадарё	971,6	1202,5	230,9	123,8
Навоий	407,9	410,4	2,5	100,6
Наманган	815,3	1104,8	289,5	135,5
Самарқанд	1229,9	1441,3	211,4	117,2
Сурхондарё	784,4	1001,9	217,5	127,7
Сирдарё	319,9	334,1	14,2	104,4
Тошкент	1155,4	1222,1	66,7	105,8
Фарғона	1340,4	1483,3	142,9	110,7
Хоразм	606,7	726,4	119,7	119,7
Тошкент ш.	1153,8	1317,2	163,4	114,2

Иқтисодиётнинг расмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар сони давлат статистика ҳисоботи, давлат ижтимоий суғурта бадали тўловчиларнинг давлат солиқ ҳисоби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотлари бўйича аниқланади.

Иқтисодиётнинг расмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар жумласига қуйидагилар киради:

- давлат ижтимоий суғурта бадали тўлови бўйича корхона, муассаса ва ташкилотларнинг солиқ ҳисоботларида қайд этилган шахслар;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

- ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда қонунчиликка мувофиқ давлат ижтимоий суғурта бадали тўловидан озод этилган ташкилотлар ходимлари;

- яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжалиги аъзолари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, қорамол ўстириш билан банд бўлган ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлганлар ҳамда давлат ижтимоий суғурта бадали тўловини мажбурий ёки ихтиёрий равишда амалга ошираётган шахсий ёрдамчи хўжаликларда бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлганлар.

Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар сони республика бўйича 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 507,8 минг киши (109,5 %)га кўпайиб, 5 856,7 минг кишига етган. Расмий секторда бандларнинг энг катта қисми Тошкент шаҳрига тўғри келади ва 2010 йилга нисбатан бошқа ҳудудларга қараганда энг кўп ўсиш кузатилиб, 322,8 минг киши (145,0 %) га ошган ва 1040,1 минг кишига етган. Баъзи ҳудудларда эса 2021 йилга келиб расмий секторда бандлар сони 2010 йилга нисбатан сезиларли камайгани эътиборга молик, хусусан, Сурхондарё вилоятида ушбу кўрсаткич 51,5 минг кишига, Фарғона вилоятида 31,3 минг кишига, Сирдарё вилоятида 18,7 минг кишига, Қашқадарё вилоятида 1,9 минг кишига камайган (2-жадвал).

2-жадвал

Иқтисодиётнинг расмий секторида бандларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши² (минг киши)

Ҳудудлар номи	Йиллар		2021 йил 2010йилга нисбатан	
	2010	2021	+/-	%
Ўзбекистон Республикаси	5 348,9	5 856,7	507,8	109,5
Қорақалпоғистон Республикаси	279,6	294,2	14,6	105,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	418,4	437,2	18,8	104,5
Бухоро	335,6	382,4	46,8	114,0
Жиззах	182,3	207,4	25,1	113,8
Қашқадарё	425,2	423,3	-1,9	99,6
Навоий	237,6	276,8	39,2	116,5

² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Наманган	326,1	367,0	40,9	112,5
Самарқанд	466,7	483,6	16,9	103,6
Сурхондарё	390,0	338,5	-51,5	86,8
Сирдарё	169,7	151,0	-18,7	89,0
Тошкент	521,9	593,8	71,9	113,8
Фарғона	600,8	569,5	-31,3	94,8
Хоразм	277,1	292,0	14,9	105,4
Тошкент ш.	717,3	1 040,1	322,8	145,0

Иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторида юқорида кўриб чиқилган бандлик турлари билан бир қаторда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида иқтисодиётнинг норасмий секторидаги фаолият янги ҳодиса ҳисобланади. ХМТ таърифига мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий базаларда рўйхатдан ўтказилмаган, тартибга солилмаган ёки ҳимояланмаган ҳақ тўланадиган иш, яъни, ўз-ўзини иш билан таъминлаш ва иш ҳақи тўланадиган бандлик норасмий бандлик ҳисобланади [13].

Иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар таркибига солиқ органларида ҳисобга турмаган қуйидаги шахслар киради:

- давлат ижтимоий суғурта бадали тўламасдан ҳақиқатда деҳқон хўжаликларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган деҳқон хўжаликлари аъзолари;

- уйда пулли хизматлар кўрсатиш бўйича меҳнат муносабатларини расмийлаштирмаган тадбиркорларда (энагалар, уй хизматчилари, уй ошпазлари, автомобиль ҳайдовчилар, қоровуллар ва бошқалар) ёлланиб ишлаш билан мустақил банд бўлган шахслар;

- тадбиркорларга ёлланиб ишловчи шахслар, шу жумладан, уларнинг оила аъзолари ҳамда давлат ижтимоий суғурта бадали тўловисиз ва меҳнат муносабатлари расмийлаштирилмаган жисмоний шахслар (қурувчилар, юк ташувчилар, фаррошлар, ишчилар ва бошқалар).

Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлик мезонларига қуйидагилар киради:

- ҳафтасига камида икки соат иқтисодиётнинг норасмий секторида ҳақ тўланадиган ҳар қандай фаолият тури билан бандлик;

- бандлик мунтазамлиги – иқтисодиётнинг норасмий секторидаги бандликдан тушган ҳар ҳафталик даромаднинг мавжудлиги;

- 10 сотих ер майдонида шахсий ёрдамчи хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган уй хўжалиги бошқарувидаги ер майдонининг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар сони расмий сектордагига қараганда бирмунча кўпроқдир. 2010 йилда норасмий сектордаги жами бандлар сони 6 279,5 минг кишини ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 348,9 минг кишига (94,4 %) камайган ва 5 930,6 минг кишини ташкил этган. Бу борада Жиззах вилоятида 145,2 % (90,0 минг киши), Сурхондарё вилоятида 141,3 % (162,8 минг киши), Наманган вилоятида 130,2 % (147,5 минг киши) юқори ўсиш суръати қайд этилди. Аксарият ҳудудларда, хусусан, Сурхондарё (162,8 минг кишига), Наманган (147,5 минг кишига), Қашқадарё (92,8 минг киши) вилоятларида сезиларли ошган, аксинча Тошкент шаҳрида 265,7 минг кишига (39,1 %), Тошкент вилоятида 161,9 минг кишига (74,4 %) ҳамда Бухоро вилоятида 130,8 минг кишига (69,8 %) камайган. 2021 йилда норасмий секторда бандлар улушининг катта қисмини Фарғона (746,0 минг киши), Самарқанд (694,5 минг киши), Қашқадарё (639,2 минг киши) вилоятлари ташкил қилган. 2010-2021 йиллар давомида ҳудудлар кесимида бандликнинг энг юқори даражаси 2017 йилда Самарқанд (1 032,6 минг киши) ҳамда Фарғона (1 000,9 минг киши) вилоятларида қайд этилган. Ушбу даврдаги энг паст бандлик даражаси 2021 йилда Навоий вилоятида (100,0 минг киши) кузатилган.

2010 йил маълумотларига кўра республиканинг жами 289,2 минг фуқароси хорижда ишлаётгани қайд этилган. Ташқи меҳнат мигрантлари сони 2020 йилга келиб салкам 6 баробарга яқин ўсган (1 838,2 минг киши). 2021 йилда эса 2010 йилга нисбатан хорижда ишловчилар сони 1462,3 минг киши (605,6 %)га кўпайиб, 1 751,5 минг кишига етган. Хусусан, энг катта ўсиш ҳолатлари Жиззах 51,6 минг киши (2 249,9 %), Тошкент 146,5 минг киши (1 536,5 %) ва Сирдарё 41,3 минг киши (1 017,0 %) вилоятларида кузатилган. Шунингдек, 2021 йилги энг юқори кўрсаткичлар Самарқанд (263,2 минг киши), Андижон (221,2 минг киши) ҳамда Фарғона (167,7 минг киши) вилоятларида кузатилган. Энг кам хорижда ишловчи фуқроларга эга ҳудудлар қаторида эса Навоий (33,6 минг киши), Сирдарё (45,8 минг киши) ва Жиззах (54,0 минг киши) вилоятлари қайд этилган.

Ҳозирда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохатлар натижаси расмий статистика маълумотларида ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, аҳолига, тадбиркорларга солиқ юкининг енгиллаштирилиб борилиши норасмий равишда фаолият олиб бораётган шахсларнинг расмий фаолият юритишга ўтаётганлигини натижаси расмий секторда бандлар сонининг ошиб бораётганлигида ҳам намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда банд аҳоли сонининг расмий ва норасмий секторлар бўйича тақсимланишини қуйида келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкин (1-расм).

Маълумотлардан кўринадики, мамлакатимизда норасмий секторда банд бўлганлар улуши 2016 йилда 51,2 % (6 814,3 минг киши)ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 43,8 % (5 930,6 минг киши)ни ташкил этиб, сезиларли даражада камайганлигини кўришимиз мумкин.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида банд аҳоли сонининг расмий ва норасмий секторлар бўйича тақсимланиши, %да³

Мамлакатимизда норасмий фаолият олиб бораётган фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимояси таъминлаш учун расмий фаолият олиб боришини қўллаб қувватлаш мақсадида ўзини ўзи банд қилиш йўналиши киритилди. Якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган ва шахсий меҳнатга доир иштирокига асосланган, иш ҳақини (меҳнат даромадини) олишга қаратилган, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатида назарда тутилган фаолиятни мустақил равишда амалга оширадиган шахслар ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатга олиниши мумкин [14]. Илмий изланишларимиз натижасида расмий равишда солиқ идораларида ўзини ўзи банд қилганлар сифатида рўйхатдан ўтган ва ижтимоий тўлов тўлаган шахсларни расмий банд сифатида ҳисобга олиш бўйича таклифларни киритдик. Натижада меҳнат ресурслари балансини ҳисоблаш бўйича мавжуд услубият такомиллаштирилди.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Хўжалик юретишнинг янги шакллари ташкиллаштиришда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аҳолининг иш билан бандлигида жиддий сон ва сифат ўзгаришлари динамикаси рўй берди. Бу ўзгаришлар натижасида қуйидаги тенденциялар кузатилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз:

биринчидан, давлат мулки объектлари кескин қисқариши ҳисобига мулкчилик шакллари бўйича иш билан ходимларнинг қонуний қайта тақсимланиши;

иккинчидан, ишчи кучининг моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан ноишлаб чиқариш соҳаларига барқарор ва тобора ортиб бораётган қайта тақсимланиши рўй берди. Шунини айтиш кифояки, номоддий ишлаб чиқариш соҳаларидаги юридик шахсларнинг миқдори саноат ва қишлоқ хўжалигидагилар бирга қўшиб ҳисобланганидан ортиқдир;

учинчидан, бозор ўзгаришлари таъсирида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва катта миқдордаги қувватлар тўхтаб қолганлиги оқибатида мавжуд иш жойлари билан ходимларнинг касби, тажрибаси ва малакаси даражасига мувофиқ сони ўртасидаги мутаносиблик бузилди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, 2010-2021 йиллар оралиғида бандлик кўрсаткичлари бироз пасайишлар билан бўлсада доимий равишда ижобий динамикага эга бўлган. Тенденцияга эътибор берадиган бўлсак, 2020 йилда бошланган Covid-19 пандемияси барча кўрсаткичларга сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Ушбу салбий оқибатлар билан боғлиқ жараёнларнинг барвақт олдини олиш, вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, бўлажак хавф-хатарларни, улар билан боғлиқ муаммоларни олдиндан прогноз қилиш, уларнинг ечимига аниқ режа ва чоралар билан тайёр туриш тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир [15].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси аҳоли бандлиги таркибида юз бераётган ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасидир. Шу билан бирга, юқоридаги ўзгаришлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тузишда ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда иш ўринларини ташкил этиш соҳасидаги давлат сиёсати ишсизликни қисқартириш ва аҳолининг ижтимоий зарур меҳнат билан бандлигини кўпайтириш бўйича қуйидаги тадбирларни эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз:

- davlat tomonidan iqtisodiyotga kiritilayotgan investitsiyalarni raqbatlantirish, bu esa yangi ish joylarini yaratishning asosiy sharti hisoblanadi;

- ishchi kuchiga бўлган талаб va taklifning ham tarkibiy, ham kasbii jihatdan balanslashuviga doir chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish;

- yangi ish joylari tashkil etilganda tadbirkorlar va kichik biznes korxonalariga soliq imtiyozlari bериш;

- ўз-ўзини ijtimoiy zarur mehnat bilan band qilishni kengroq raqbatlantirish;

- “яшил” iqtisodiyotni rivojlantirish kabi yangi ish joylarini yaratish va shunga tegishli kўnikmalar va tayёрlash dasturlarini ishlab chiqish;

- kichik biznes va oilaviy tadbirkorlikda investitsion faollikni raqbatlantirish asosida shart-sharoitlar yaratish, bu kўplab mamakatlarda aholi bandligini taъminlashning muhim uslubi sifatida ўrganilmoqda;

- tarkibii ўzgarishlar bilan bogliq ishsiz qolgan ёки ishidan ажралиб қолиш xavf solayotgan шахslarning ish izlashlarini faollashtirish maqsadida kasbga ўqitish, qayta tayёрlash va ularga axborot-konsalting xizmatlarini kўrsatish borasida ishlar olib borishdan iboratdir.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Hartmut Lehmann, Norberto Pignatti. Informal employment relationships and the labor market: Is there segmentation in Ukraine? *Journal of Comparative Economics* Volume 46, Issue 3, September 2018, Pages 838-857 <https://doi.org/10.1016/j.jce.2018.07.011>
2. Абдурахмонов Қ.Х. *Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик.* – Т.: ФАН, 2019. – Б.257.
3. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши va rivojlанишини моделлаштириш (Самарканд вилояти мисолида). *Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация.* – Тошкент, 1998. – Б.57.
4. Зокирова Н.Қ, Шоюсупова Н.Т, Габзалилова В.Т, Абдурахмонова Г.Қ. *Аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш. (Назарий ва амалий жиҳатлар).* Монография. – Т.: Фан va технология, 2011. – Б.26.
5. Ўлмасов А., Ваҳобов А. *Иқтисодиёт назарияси. Дарслик.* – Т.: Иқтисод-молия, 2014.- 424 б
6. Павленков В.А. *Рынок труда. Занятость. Безработица.* М.: МГУ, 2004.- 584 с.

7. Гаузнер Н. *Современная ситуация на российском рынке труда и политика занятости* / Н.Гаузнер // *Мировая экономика и международные отношения*. – 1994. – № 6. – С. 5–11
8. Старовойтова Л.И. *Занятость населения и ее регулирование* / Л.И.Старовойтова, Т.Ф.Золотарева. – М.: Академия, 2001. – 190 с.
9. Смит А. *Исследование о природе и причинах богатства народов*. В 2 т. М.: Наука, 1993. –570 с
10. Кейнс, Дж.М. *Общая теория занятость, процента и денег. Избранное*/Дж.М.Кейнс. – М.:Эксмо 2007.-960 с.
11. Саруханов Э.Р. Проблемы занятости в период перехода к рынку. СПб.: СПбУ. ЭФ, 2001.-254 с.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари (www.stat.uz)
13. ILO Chapter 4: Who should be getting minimum wages 4.5. Informal economy workers <https://www.ilo.org/global>
14. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Аҳоли бандлиги тўғрисида”, 20.10.2020 йилдаги ЎРҚ-642-сон
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон